

## ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ЮЗАСИДАН ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

*Бухоро туманлараро иқтисодий  
суди судьяси М.С.Набиев*

*Бухоро туманлараро иқтисодий  
суди судьяси Ф.Муродов*

*Бухоро туманлараро иқтисодий  
суди судьяси М.Махсудова*

Маълумки, юридик шахснинг фаолияти давомида унинг қайта ташкил этилиши ҳамда ҳуқуқий ворислари ва кредиторларининг манфаатлари ушбу турдаги муносабатлар пайдо бўлгандан бошлаб то ҳозирги ривожланган иқтисодий бозор шароитида, электрон рақамлаштирилган глобал муносабатлар авж олган даврда ҳам ўз актуаллигини ҳамда қарашлар хилма-хиллигини йўқотмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)да юридик шахс трансформациясининг ҳуқуқий кафолатлари ҳамда унинг 5 та анъанавий шакли кўрсатиб ўтилган.

Хусусан, юридик шахс хоҳ у масъулияти чекланган жамияти шаклидаги, хоҳ акциядорлик жамияти шаклидаги ёхуд бошқа ҳуқуқий ташкилий шаклдаги юридик шахс бўлмасин, уларнинг қайта ташкил этилиши шакллари қуйидагилардан иборат ҳисобланади.

ФКнинг 49-моддаси талабларига мувофиқ, юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш шаклида уни қайта ташкил этиш вакил қилинган давлат органларининг қарори билан ёхуд суд қарори билан амалга оширилади.

Агар юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил қилган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилинган органи юридик шахсни ваколатли давлат органининг қарорида белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади. Бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш

ваколатлари ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайтадан ташкил этиш ваколатли давлат органларининг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин.

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахс унга бошқа юридик шахсни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахснинг ваколатли органлари қарорига асосан МЧЖ ёки АЖ ҳуқуқий ташкилий шаклидаги корхоналарни мисол тариқасида тилга олсак, шунингдек, юридик шахснинг мулкдори, муднинг ёхуд рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори билан хусусий корхоналар қайта ташкил этилиши мумкин.

Юридик шахслар қайта ташкил қилинганда янги ташкил қилинган юридик шахсга ҳужжатлар ва баланс қуйидаги ҳолатда ўтади.

Жумладан, Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тарафлар баҳслашаётган мажбуриятлар бўйича ҳам, ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси юридик шахс муассислари (иштирокчилари) томонидан ёки юридик шахсларни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан тасдиқланади ҳамда таъсис ҳужжатлари билан бирга янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ёки мавжуд юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш учун тақдим этилади.

Таъсис ҳужжатлари билан бирга тегишинча топшириш ҳужжатини ёки тақсимлаш балансини тақдим этмаслик, шунингдек уларда қайта ташкил этилган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларнинг йўқлиги янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига олиб келади.

Замонавий фуқаролик ҳуқуқи доктринасида юридик шахснинг қайта ташкил этилишига нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Олимлар ўртасидаги асосий баҳс «қайта ташкил этишда эски юридик шахс бутунлай тугатиладими ёки у ўз шаклини ўзгартириб яшашда давом этадими?» деган савол атрофида айланади. Бу борада қуйидаги тизимли назариялар шаклланган:

**1. Субъектларнинг ворислик назарияси** Бу классик назария бўлиб, унга кўра қайта ташкил этиш — бу бир ҳуқуқ субъектнинг тугатилиши ва иккинчисининг пайдо бўлиши жараёнидир. Бунда энг муҳим элемент **универсал ҳуқуқий ворислик** ҳисобланади.

**2. Юридик шахснинг «Яшаб қолиши» (Реорганизация — субъектнинг ўзгариши эмас) назарияси.** Ушбу назария тарафдорлари қайта ташкил этишни юридик шахснинг тугатилиши деб ҳисобламайдилар.

**3. Битим назарияси** Бу назария қайта ташкил этишнинг хусусий-ҳуқуқий мазмунига урғу беради. **Хусусан** «қўшиб юбориш» ва «қўшиб олиш» шаклларида қайта ташкил этиш — бу аслида бир нечта юридик шахслар муассислари ўртасида тузиладиган йирик ташкилий битим (шартнома) натижасидир. Корхоналарнинг ихтиёрий трансформацияси эркин ирода билдириш ва шартномавий муносабатларнинг олий маҳсули сифатида кўрилади.

**4. Комплекс (Институционал) назария** Бу бугунги кунда энг кенг ривожланаётган замонавий ёндашувдир. Унга кўра, трансформацияни фақат фуқаролик ҳуқуқи институти деб бўлмади. Бу комплекс жараён бўлиб, унда фуқаролик, меҳнат (ходимларнинг иш жойи сақланиши), солиқ (солиқ ворислиги) ва корпоратив ҳуқуқ нормалари бир вақтда кесишади. Бу назарияга кўра, трансформация — бу корхона иқтисодий моделининг ҳуқуқий кодекс орқали янгиланиш тизимидир.

Юридик шахс қайта ташкил этишнинг муайян усулига боғлиқ равишда, қайта ташкил этилди деб ҳисобланадиган пайтнинг аниқланиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги акс этган. Хусусан, битта юридик шахснинг бошқасига қўшиб олинган ҳолда, уларнинг биринчиси юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув киритилганидан бошлаб, қўшиб олинган юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади. Бошқа барча ҳолатларда янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахслар қайта ташкил этилган ҳисобланади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ Х.Рахмонқулов, О.Оқюлов: 1-жилд "Вектор Пресс" 2010